

## DAVLATCHILIK ASOSI

# МУТОЛАА МАДАНИЯТИ

## Китоб инсон учунми ёки инсон китоб учун?

Инсонийт икки улчам — макон ва замонда чекланган бўлиб, узининг бутун тараққиёти давомида мазкур чекловларни енгил ўтишга интилиб келган. Мана шу интилишнинг самараси улароқ ёзувлар, китоблар ва шу каби бошқа ахборот воситалари яратилган. Турли даврларда ахборот ташиш ва унга эга бўлиш билан боғлиқ билимлар тулланиб, кишиларда мутолаа маданиятининг шаклланишига олиб келди.

Бугунги кунда мутолаа маданияти китобга қизиқишни, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рағбатини, китоб билан ишлашда махсус билимларга эга бўлишни, шунингдек, ахборот манбаларидан тулиқ фойдаланишга ёрдам берувчи қуликма ва малакага эга бўлишни тақозо этади.

Китобни танлаш, уни тез ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради. Демак, мутолаа маданияти инсонни бевосита амалиётга киришиш, ҳаёт билан уйғунлашиш, маънавий фойда олишга йўналтиради.

“Мутолаа” сўзи арабча ўқиш, деган маънони англатса-да, бизнингча бугунги кунда китоб ўқишдан кўра кенгроқ тушунчани қамраб олади. Мутолаа маданияти ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишга йўналтирилган жараён, хулқ-атвор ва фаолиятлари мазмуни ҳамда таркибий тизимларида юз берувчи ўзгаришлар мажмуини ифодаловчи билимлар, меъёрлар, ижтимоий ҳодисалардир. Айни чоғда, мутолаа маданиятини таълим тизимлари орқали махсус шакллантирадиган ихтисослашган маълумотни инсон ҳаёти давомида турли манбалар — китоблар (бадий, илмий, ўқув, энциклопедик ва бошқа), оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, телевидение, радио ва шу кабилар), замонавий ахборот технологиялари (интернет, электрон газета, журнал, қўлланма ва ҳоказолар), шунингдек, субъект билан бевосита мулоқотга киршувчи шахслар (оила аъзолари, иш ёки ўқиш жойидагилар, кўни-қўшни ва бошқа инсонлар) орқали эгалланадиган ҳар хил йўналиш ва шаклдаги умумий маълумотдан фарқлаш лозим. Мутахассис Н.Рубакин таъкидлаганидек, “Ихтисослашган таълим инсонга бир соҳа доирасида чекланган билим ва малакани беради. Умумий таълим инсонга кенг ва тулиқ дунёқарашга эга бўлиш, ҳаётнинг турли томонини тушуниш имконини беради”.

Демак, мутолаа маданиятининг муҳим таркибий жиҳатлари ундаги ихтиёрийлик, таълим олишдаги англаш, фаолиятни эркин танлаш,

такомиллашувга булган онгли рағбат, ички даъват тамойиллари бўлиб, улар инсоннинг такомиллашувида ўзига хос ҳаракатлантирувчи омиллар саналади.

Мутолаа маданияти таърифи борасидаги манбаларни таҳлиладан келиб чиқиб, уларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мақсадга мувофиқ:

— мутолаа маданиятидан кузатилган ижтимоий мақсадлар устуворлигини таъкидлаш асосидаги гуруҳлаш;

— дунё тараққиётида гуманитар-маънавий ёндашувлар заруратини англашнинг кучайиши, ижтимоий эҳтиёжлар устуворлигини англаш муҳимлигига асосланган гуруҳлаш;

— маънавий таклифлар ижтимоий тараққиёт йўналишларини белгилашнинг асосий тамойили, деб қарашга асосланган гуруҳлаш.

Илмий адабиётларда мутолаа маданиятига берилган таърифлар мазмуини уларнинг умумий моҳиятига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

— мутолаа маданияти мутолаа даражаси, мутолаа амалиёти ва мутолаа имкониятлари уйғунлигини ифода этади;

— мутолаа маданияти ижтимоий онг, ижтимоий амалиёт ва ижтимоий истиқбол ҳодисалари тадридий ўзгаришларининг ифодаси сифатида майдонга келади;

— мутолаа маданияти ҳар бир тарихий маданий муҳит, этно ҳудудий ўзига хосликлар таъсирида таркиб топувчи ҳодиса сифатида юзага чиқади;

— мутолаа маданияти инсониятнинг анъанавий жамиятдан индустриал ва постиндустриал жамият сари тадрижий ривожланиши оқибатида жараён сифатида талқин этилади;

— мутолаа маданияти инсоният тараққиётида маҳсулотлар, товарлар, муносабатлар ҳамда ахборотлар алмашувининг бевосита ҳолатдан билвосита ҳолатларга тамомила кучишининг табиий-манتيқий маҳсули сифатида кўрилади;

— мутолаа маданияти инсоният умумий тараққиёти жараёнларининг асосан талаб ва таклиф муносабатлари тамойили асосига қурилишининг манتيқий ҳосиласи сифатида тушунтирилади;

— мутолаа маданияти ахборотлашган жамиятда инсоният онги фавқулудда юксалишининг ўзига хос тарзла намоён бўлиши сифатида талқин этилади;

— мутолаа маданияти жамиятдаги сиёсий тузум йўналиши, мафкуравий таъсир тизимлари билан боғлиқ равишда шаклланивчи ижтимоий-сиёсий ҳодиса, деб қаралади;

— мутолаа маданияти башарият тараққиё-

тинг омили — янгиликка интилиш, илм-фан, таълим, маданиятни мислсиз юқори такомил кўламларига олиб чиқиш воситаси сифатида изоҳланади;

— айрим манбаларда мутолаа маданияти таълим билан бевосита боғлиқ ижтимоий жараён сифатида талқин этилади.

Мутолаа маданиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг деярли барчасида мазкур ҳодисада “китоб-китобхон-кутубхона” тизимидан иборат, деб қаралади. Мазкур жараён “объект-субъект-объект” йўналишларида тадқиқ этилади. Мутолаа маданияти мутолаа технологияси, даражаси ҳамда интенсивлиги тизимида тадқиқ этилмайди. Ёки мазкур тизим ясовчи белгилар алоҳида-алоҳида, яъни муайян уйғунликсиз талқин этилаётир. Бу эса, мутолаа маданияти ҳодисасини ўрганиш жараёнларини пировард натижага йўналтиришга монелик қилиб келмоқда. “Объект-субъект-объект” тизими “субъект-субъект-объект” тизими билан уйғунлаша олмаслиги табиийдир. Ана шу аънавий “объект-субъект-объект” тизимида китоб-китобхон, муаллиф-китобхон, китобхон-кутубхонаси, тажрибали китобхон-тажрибаси кам китобхон муносабатлари тарзида ўрганишга эътибор қаратилмайди.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт натижаларига кўра, ижтимоий субъектга қараганда ижтимоий объект ўрнини сунъий равишда оширишга уриниб келган марксча назария ва тоталитар мафкура инқирозга учради. Мустақиллик натижасида мамлакатимизда илм-фан тараққиёти эркинлик моҳиятини касб этган бўлишига қарамай, кутубхонашунослик ҳамда мутолаа социологияси, психологияси йўналишларидаги илмий тадқиқотларда ҳамон юқорида айтилган камчиликлар давом этмоқда. Бизнингча, мутолаа ҳодисасини “субъект-субъект-объект” тизимида тадқиқ этиш лозим. Зеро, рус олими Н.Рубакин XX асрнинг бошида ай-тиб ўтганидек, “ҳар қандай китоб инсон учун, инсон китоб учун эмасдир”.

Ривожланган Ғарб давлатларидаги мутолаа социологияси ва психологияси тадқиқотчилари аллақачон мазкур тизимга ўтганлар. Бу тизимдаги муҳим белгилар: *мутолаа технологияси, мутолаа даражаси* ҳамда *мутолаа интенсивлигидир*. *Мутолаа технологияси* ўқувчи томонидан амтнини ўзлаштириш усуллариини аналитиб, бу жараённинг сифат ва миқдор йўналишларига эга. Н.Рубакин фикрича, китобхон томонидан матннинг қанчалик сифатли ўзлаштирилгани унинг матн мазмунини қанчалик даражада англаганлиги ҳамда англаган тушунчаларни ҳаётга қанчалик татбиқ қила олиши билан белгиланади.

Мутолаа технологиясининг миқдорий жиҳати эса, ўқувчининг тез ёки секин ўқишида кўринади. Тез ўқишнинг мутолаадаги аҳамияти юқоридир. Бу жараёнида шахснинг тезкор хотираси ҳамда диққатнинг муқимлиги шаклланади. Ушбу хусусиятлар эса, ўз навбатида, шахснинг ақлий камолотини таъминлайди. Жамиятнинг ҳар бир аъзосини ақлан ривожлантириш комил инсон концепцияси ҳамда ҳар томонлама соғлом авлодни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг асосий

мақсадидир.

Мутолла тезлиги тарбия жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Психологик тадқиқотларнинг курсатишича, ўрта мактабнинг 6-7 синфларига келиб, ўқишдаги фаоллик кескин пасаяди. Бунга таъсир қилувчи асосий омиллардан бири — ўқувчиларда шахсий масъулиятнинг пасайишидир. Бу ҳолат 5-синфда, аynиқса, аниқ кузатилади. Ўз навбатида, масъулиятсизликнинг шаклланишига 3-4 синфларда дарсларнинг ўз вақтида ўзлаштирилмаслиги сабаб бўлиб, бу эса, турли мураккаб матнларни тез ўқий олмаслик натижасидир. Бундан келиб чиқадиган илмий-ҳаётий сабоқ шуки, бошланғич синфларда тез ўқиш қобилиятини эгаллай олган ўқувчилар кейинчалик ҳам сабоқларга масъулият билан ёндашадиган, фаол ҳамда ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишиш имкониятларини оширадидилар.

Тез ўқишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам юқоридир. Тадқиқотчилар фикрича, япон муъжизасининг асосий омилларидан бири ҳам ишчиларнинг ўқишга мойиллиги юксаклиги, юқори маълумотга эга бўлганлигидир. Расмий маълумотларга қараганда, ўқишга лаёқатнинг устуворлиги натижасида XX асрнинг 90 йилларидаёқ катта ёшдаги япон аҳолисининг 38 фоизи олий маълумотга эга бўлишган. Бу ютуқнинг аҳамиятли томони шундаки, аксарият японлар бунга мустақил равишда эришишган. АҚШ корхоналарида эса, минутига 400 тадан кам сўз ўқийдиганларни раҳбар лавозимларга тайинлашмайди. Чунки уларда тез ўқий олмайдиган раҳбар, қоғозга кўмилиб қолади, деб ҳисоблашаркан.

Маълумки, фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда газета-журналлар муҳим аҳамият касб этади. Агар “Халқ сўзи” газетаси ўртача 40 минг сўздан иборат, газетхонларимиз ўртача минутига 80 та сўзни ўқий олади, деб ҳисобласак, бир киши мазкур газетанинг битта сонини ўқиш учун 500 минут ёки 8 соат сарфлаши керак бўлади. Агар тезроқ ўқиса, табиийки, камроқ вақт сарфлаб, кўпроқ маълумотга эга бўлади. Бундан кўриниб турибдики, тез ўқишни шакллантиришнинг мафкуравий аҳамияти ҳам мавжуд.

Тадқиқотчилар мутолаа технологиясининг сифат ва миқдор йўналишлари ўртасидаги муносабатини таъминлаш учун оптимал ўқишни тавсия этишади. В.Зайцевнинг фикрича, “оптимал ўқиш сўзлашув нутқи даражасидаги ўқишни аналитади”. Бу минутига 120-150 та сўз ўқиш, демакдир. Шунда шахснинг руҳий ҳолати ва интеллектуал имкониятлари ҳам кўпроқ маълумотга эга бўлиш, ҳам ўқилган маълумотни англаш имконини беради. Илмий ходимлар ва раҳбар лавозимидагилардан, албатта, тезроқ ўқиш талаб этилади.

Мутолаа тезлиги маълумотларни қабул қилиш тезлигига боғлиқ. Бунда китобхоннинг таҳлил қилиш тезлиги ва интеллектуал салоҳияти каби шахсий хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

АҚШлик мутахассислар мутолаа жараёнини ўқилаётган матнни тушуниш коэффициенти 70 фоиздан кам бўлмаган “меъёрий” ҳамда 50 фоиз атрофида бўлган “саралаб” ўқиш турла-

рига ажратишади. Меъёрий ўқиш оддий (минутига 200-300 та сўз), тезроқ (минутига 300-500 та сўз) ҳамда жуда тез (минутига 550 тадан ошиқ сўз) ўқишни англатади. Саралаб ўқиш эса, қараб чиқиш, қидириш ва саралаб ўқишдан иборат. Саралаб ўқишда ўқиш тезлиги минутига 800-1600 та сўзни ташкил этади. Ушбу ўқишни мутахассислар диагональ ўқиш деб ҳам номлашади.

Мутолаа маданиятининг иккинчи тизим ясовчи хусусияти — мутолаа даражаси мутолаа технологияси билан боғлиқ бўлиб, ўқувчи томонидан маълумотни англаш даражасини билдиради. Бунинг тўртта босқичи мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

— биринчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини англаб, ҳикоя қилинаётган воқеанинг сюжетини ҳамда унинг асосий жиҳатларини эслаб қолади;

— иккинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини ҳамда сюжетни англаб, воқеалар ривожини маълум даражада башорат қила олиш қобилиятига эга бўлади;

— учинчи даражада ўқувчи матнга ва унда ҳикоя қилинаётган воқеага ўзининг мустақил муносабатини билдириб, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олади ҳамда асарнинг эпизодларини таҳлил қила олади;

— тўртинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини тўла англаб, воқеани мустақил таҳлил эта олади. Воқеа қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб, ўз муносабатини шакллантиради.

Ёшлигиданок мутолаанинг мазкур даражаларини шакллантириб бориш лозим. Комил инсонни таркиб топтиришнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ҳар бир шахсни юқоридаги кетма-кетликнинг тўртинчи даражасига чиқаришдир.

Мутолаа маданиятининг энг муҳим тизим ясовчи хусусияти — мутолаа интенсивлиги бўлиб, бунда мутолаа манбаларидан даврий фойдаланиш суръати тушунилади. Яъни бир ўқувчининг бир ҳафта давомида нечта газета ўқигани ёки бир йил мобайнида нечта китоб ўқигани мазкур унинг мутолаа интенсивлигини белгилайди. Мутолаа интенсивлиги жамиятда мутолаа маданиятининг даражасига мутаносиб бўлиб, интенсивлик қанчалик юқори бўлса, мутолаа маданияти ҳам шунча юқори бўлади.

Мутолаа интенсивлигининг юқори бўлишини таъминловчи омиллар қуйидагилардир.

1. Мутолаага ва маълумот олишга қизиқиш даражасининг юқорилиги. Бу хусусият шахсда ёшлигидан — мактабда, ҳатто болалар боғчасида шаклланади. Демак, жамиятда баркамол шахсларни камол топтиришнинг муҳим жиҳатларидан бири — ўқувчи ёшларда мутолаага қизиқишни шакллантиришдир.

2. Мутолаа манбаларининг қизиқарли, мазмунан бой бўлиши. Буни таъминлаш учун мутолаа манбаларининг мазмундорлигини ошириш, шунингдек, жаҳон ҳамда миллий мумкин адабиёт дурдоналари намуналарини, юксак истеъдод ва маҳорат билан яратилган замонавий асарларни кўпроқ чоп этиш лозим.

3. Мутолаа манбаларига осон эга бўлишни

таъминлаш. Бунинг иккита омили бор. Биринчиси — иқтисодий омилдир. Яъни аҳолининг харид қуввати билан мутолаа манбаларининг харид баҳоси мос келиши керак. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, яъни кам таъминланган ва ноғиронларни бепул китоблар билан таъминлаш ва газета-журналларга обуна қилишни ташкил этиш лозим.

Иккинчи муҳим жиҳат эса, мутолаа манбалари тарқатиладиган муассасаларининг қулай жойларда жойлашувидир. Яъни кутубхоналар, интернет-кафелар, китоб ҳамда газета дуконларининг жойлаштирилишида китобхон ва газетaxonларнинг манфаатлари ҳисобга олинishi лозим.

4. Бозор иқтисоди талабларига мос равишда турли адабиётлар ва бошқа мутолаа манбаларининг рекламасини кенг йўлга қуйиш. Фарб мамлакатларида ва хусусан, Россияда ўтказилган социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олдиндан реклама қилинган нашр маҳсулотларига талаб ҳар доим юқори бўлади. Бу омилдан ривожланган давлатлар ноширлари усталик билан фойдаланиб келмоқдалар. Чунки бу ишлар, бу бир томондан, иқтисодий фойдани кўзлаб амалга ошириладиган бўлса, иккинчи томондан, жамиятда мутолаа интенсивлигининг ўсишига, демак, мутолаа маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Юқоридаги уч омил — мутолаа технологияси, мутолаа даражаси ҳамда мутолаа интенсивлигини амалиётда муваффақиятли қўлай олиш мутолаа маданияти учун зарур аломатлардан ҳисобланади.

Мутолаа маданияти ижтимоий мақсадлар, эҳтиёжлар ҳамда мутолаа субъектлари интилишларининг ўзига хос уйғунлашувидир. Мазкур ҳодисани жамиятда маънавий-интеллектуал юксалишга бўлган интилишларнинг ўзига хос намоён бўлиш шакли, дейиш мумкин.

Мутолаа маданияти фақат умуминсоний ва гуманитар миллий қадриятлар уйғунлашган жамиятлардагина юксалади. Билакс, ақида-парастлик, миллатчилик, шовинизм, диний экстремизм ёки этник бирёкламлик устувор бўлган жамиятларда мутолаа маданияти амал қила олмайди. Бунга миллий маданиятимизнинг таназзул даври бўлган ва охир-оқибат мустамлака ўлкага айланишимизга олиб келган XVIII-XIX асрлардаги парокандалик даври яққол мисол бўла олади. Уша даврдаги жаҳолатпарастлик, мутолаа ҳодисасининг умумжамят миқёсидан айрим инсонларгагина хос ҳолатга айланиб қолганлиги охир-оқибатда юртимизнинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий мавқеига жиддий путур етказди.

Аҳолида мутолаа маданиятини шакллантиришга мақсадли таъсир кўрсатилиши, назаримизда, охир-оқибат юртдошларимизда умумий маданият даражасининг кўтарилишга ҳамда жаҳон ҳамжамятининг юксак маданиятли халқлари қаторидан ўрин олишига кўмаклашади.

**Абдусалом УМАРОВ,**  
Ўзбекистон Кутубхоналар  
Ассоциацияси раиси